



## ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Арипова Динора Шавкатуллаевна

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6204819>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05 - fevral 2022

Ma'qullandi: 10-fevral 2022

Chop etildi: 15 - fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

тасвирий санъат,  
рангтасвир,  
экспрессионистик  
оқимлар, портрет,  
авангард

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада Ўзбекистон бадий мактабларининг ривожланиш тамойиллари, тасвирий санъат генезиси, рассомлар ижодида юзага келган турли йўналишлар ва уларнинг тасвирий санъатга таъсири таҳлил этилган.*

Ўзбекистон тарихида, жумладан, санъатида ҳам XX аср умумий маданият тарихининг узвий қисми бўлиши билан бирга олдинги даврлардан мутлақо ўзгача жараённи ўзида намоён этади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби кўҳна шаҳарлар сирлари очилмаган тадқиқот объекти ва йирик мусулмон маданияти маркази сифатида XIX асрнинг 70-йиллариданоқ рус рассомларини, тарихчиларини, этнографларини қизиқтирар эди. Ислом маданиятига содиқ қолган ҳолда кўп асрлар давомида ўзлигини сақлаган Ўзбекистон ҳам бу даврга келиб бошқа Шарқ мамлакатлари қаторида тарихий воқеалар тадрижида ижтимоий ва маданий ривожланишда ўз йўлини ўзгартиришига тўғри келди. Халқ онгидан асрлардан бери сингиб кетган маданиятга, динга, урф-одатларга,

маросимларга ва барча миллийликка оид бўлган унсурларнинг маън этилиши жамият ҳаётида ва маданиятда шиддатли, шу билан бирга зиддиятли жараёнларни юзага келтирди. Натижада авваллари ўзбек халқи билмаган янги бадий шакллар, янги эстетика пайдо бўлди, маданиятда театр, дастгоҳли рангтасвир, графика, симфоник мусиқа ва опера санъати сингари европача моделлар юзага келди.

Ўзбекистондаги тасвирий санъат генезисининг ўзига хослиги бу – “бир томондан ўрта аср мусулмони, бошқа томондан янги давр Европаси каби икки хил бўлган маданиятнинг драматик тўқнашувидир. Чунки, ҳукуматнинг дин ва анъаналарга қарши тазйиқи қанчалик кучли бўлмасин, халқ асрлар давомида чуқур жойлашиб олган мусулмон маданиятини тубдан



ўзгартириб ташлаши мумкин эмас эди. Азалий маданият анъаналари ва умужаҳон Европадаги янги бадий шаклларнинг уйғунлашуви натижасида тасвирий санъатда ноёб жараён юзага келади. Тарихий ўзгаришлар пайтида бу омиллар дастгоҳли рангтасвир даражаси ва кўриниши механизмини белгилаб берди. Инқилобий ўзгаришларда таъсир этувчи тараф ҳал қилувчи ролни ўйнар эди – бу рус маданияти эди, унда рангтасвир етакчилик қилиб, тобора мустақиллашиб борар ва мазкур мураккаб даврнинг барча хусусиятларини ўзида бир мунча тўлиқроқ ифодалар эди. XX аср бошларида айнан дастгоҳли рангтасвирда янги пластик ғоялар намоён бўлди, санъат шаклланишининг янги принциплари белгиланди”<sup>1</sup>.

Тасвирий санъатда янги шаклларни вужудга келиши ва ривожланиш жараёни ўз хусусиятларига эга эди. 1920 йилларнинг бошида турфа хил ижодий салоҳиятга эга бўлган рассомлар Ўзбекистонда йиғиладилар. Секин-аста “Янги Шарқ усталари”, “ТошАХРР”, “АРИЗО”, “Изофабрика” каби турли хил гуруҳ ва уюшмалар ташкил этилади. Уларнинг ижодий малакаларига XX аср бошларидаги рус ва Европа рангтасвир йўналишлари ва жараёнлари сингдирилган эди, бу эса ривожланишга мураккаб характер беради.

Ўзбекистонга келган ижодкорлар турли йўналишга мансуб бўлишсада, улар юксак малакали, тажрибали эди. Рассомлар ўраб турган борлиқни, содир

бўлаётган ҳодисалар ривожини ўзлаштириб, ўзларига хос бадий талқинларини топдилар. Ғарбнинг мумтоз мероси, рус санамнафслик санъати анъаналари, рус авангарди Ўрта Осиё нақшинкор безаклари билан уйғунлашиб ноёб бадий ҳодисани вужудга келтирди. А.Волков, М.Курзин, Н.Кашина, Е.Коровайлар кубистик ва экспрессионистик оқимларга яқин бўлганлар, кубофутуризмда В.Уфимцев, неоклассикада В.Маркова ишлаган, П.Беньков, З.Ковалевская, Л.Бурэ, М.Никитин ижодларида реализм ва импрессионизм устунлик қилган. Шунингдек, уларнинг ижодларида фовизм, (Е.Коровай) ёки сезанизмнинг фовизм билан уйғунлашувидан пайдо бўлган экспрессионизм (М.Курзин), символизм (Усто Мўмин), романтизм ва неоклассицизмга оид хусусиятларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунини айтиб ўтиш жоизки, 20-йилларда санъатнинг ички ўзгаришлари бир-бири билан унчалик қовушмаган, ижодий эркинлик ва йўналиш, бадий эътиқод чегараси ҳали расмий жиҳатдан белгилаб қўйилмаган бир вазиятда реалистик ва импрессионистик анъаналар билан бир қаторда санъатда ўзига хос умужаҳон (Ғарбий Европа ва Россия) модернизм характерининг услубий тармоқланиши сифатида ўзбек авангарди шаклланди ва ривожланди (А.Волков, В.Уфимцев, М.Курзин, Е.Коровай, О.Татевосян, Н.Кашина, А.Николаев, Н.Карахон, Ў.Тансиқбоев). Улар Европа санъатида пайдо бўлган ўзгаришларни ўзлаштиришга дадиллик билан интилдилар, тажриба тариқасидаги изланишларини намоёиш қилувчи асарлар яратдилар. Масалан, А.Волков,

<sup>1</sup> Н.Р.Аҳмедова. Живопись Центральной Азии XX века: Традиция, самобытность, диалог. - Т., 2004.



В.Уфимцев, М.Курзин ва бошқалар ўз асарларида авангард оқимларига хос услубларни рус рангтасвири ва Шарқ санъатига хос услублар билан бирлаштиришга интилдилар.

Рангтасвир санъатининг мураккаб, шу билан бирга қизиқарли бўлган портретнинг ҳам 20-йилларда ўз ўрни мавжуд. Анча вақт қадри сўнган ва дастгоҳли рангтасвир қиёфасида қайта жонланган жанр шаклланишининг илк йилларданоқ ислом маданияти хотиралари билан боғлиқ бўлган зиддиятларга учрайди. Айниқса маҳаллий аёлларни чизиш, уларнинг портретларини ишлаш оғриқли нуқталардан бири эди. Шу боис 20-йилларнинг бошларида асосан эркакларнинг портрети ва автопортретлар кўп учрайди. 1920-1930 йилларнинг ўрталарига қадар яратилган портретларда асосан уч унсур устиворлик қилади. Бири – Шарқ мамлакатлари маданиятида яширинган гўзалликни, буюкликни ва ҳақиқий улуғ эстетик манбани ҳис қилиб, рассомлар ушбу мамлакатнинг санъатига, ҳаётига ва турмуш тарзига қизиқишга ҳаракат қилган ҳолда этнографик хусусиятларга бой бўлган маҳаллий киши портретини ишлаш. Иккинчиси, инқилобий ғоялар таъсири доирасида бўлган яъни, жамият кишиси, ёки қурувчиси портретлари ва учинчиси ўзининг эмоционал тўйинган, психологик қувватга эга, индивидуал хусусиятларга бой бўлган портретлардир. Маълумки, миллий мактаб асосчиларининг кўп қисмини рус рассомлари ташкил қилар эди. Европада рассомлар каби рус мусаввирларини ҳам Шарқ ўзининг кўп асрлик маданиятининг қатъий

анъаналари, инсон ва табиатнинг гармоник уйғунлиги билан жалб қилар эди. Уларнинг баъзилари, айниқса импрессионистлар “Шарқ санъатида шу давр рассомларини ўйлантирган саволларга жавоб топдилар ва Шарқ санъатидаги услубларни ўзларига ўзлаштирдилар”<sup>2</sup>. Асарларнинг образ мажмуидаги турфа хиллик, мураккаблик ва кўп қирралик рассомлардан ифодавий воситаларга эътибор қаратишни тақазо этди. Баъзилари рус тасвирий мактаби анъаналарига содиқ қолган ҳолда реализмда ишлаган бўлсалар, аксарият ижодкорлар ранг оҳангининг энг чўққисини эгаллаб олган ҳолда авангард шаклларда ишлади. Бунга Нукус музейида сақланаётган дурдона асарлар мисолдир. У ерда турли-туман ҳолатлар, миллий типажлар ва феъл-атворларни мужассам этувчи даврнинг ўзига хос тимсоллари бўлмиш асарларнинг гўзал намуналари мавжуд.

Ўзбекистонда рангтасвир шаклланишининг ўзига хос уникал тарафларидан бири шундаки, унинг ривожланиши бошида асосан рангтасвирнинг янги имкониятларини очишга интилган авангард қарашларга эга бўлган рассомлар турар эдилар. 1920 йиллар рассомлари ижодида Шарқни мустақил ифодалаш, уни чуқур индивидуал пластик талқин этиш йўлидаги изланишлар намоён бўлади. Улар “академик рангтасвир асосларидан воз кечган рус авангарди юлдузлари эдилар. Ўзбекистонга келгунларига қадар уларга К.Малеевич, В.Кандинский, Д.Бурлюк, П.Филонов, М.Шагал,

<sup>2</sup> Е.В.Завадская. Восток и Запад. М., - 1970.



М.Ларионов, Н.Гончарова, П.Кончаловский ижоди таъсир қилган эди”<sup>3</sup>. М.Курзин, В.Маркова, А.Волков, А.Николаев, В.Уфимцев, П.Беньков, Н.Кашина, Ў.Тансиқбоев, Б. Ҳамдамий, Н.Қорахон, Е.Коровай каби рассомлар мусулмон дунёсига ҳам тушунарли бўлган пластик тилни топган ҳолда шу давргача рангтасвир анъанасига эга бўлмаган Ўзбекистоннинг бадиий мактабига асос солдилар. Бунинг учун уларнинг аксарият қисми “шаклсиз бўлса ҳам ашёвий дунё тасвирини” танладилар.

1920-1930 йиллардаги ўзбек авангардини намоён этган, Ғарб санъатининг модернизм ғояларини Ўрта Осиё маданияти билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган О.Татевосьян қатори А.Волков, В.Уфимцев, А.Николаев, Ў.Тансиқбоев, М.Курзин, Н.Кашина каби рассомларни Ғарб Шарқ феномени негизда кўрамиз. Уларнинг ижоди ўз индивидуал хусусиятлари билан табиий равишда ажралиб туради, аммо авангард изланишларининг умумий йўналишига киритиши улар ижодининг генезиси билан белгиланган. XX аср бошларида бутун Ғарбий Европа ва Россия санъатини қамраб олган авангардлик ғоялари бу ижодий йўналиш моҳиятини акс эттиради.

“Ўзбекистонда авангард тақдири ўзига хосдир. Унинг бу ўлкада туғилиши турли ғоялар ва таъсирлар билан боғлиқдир. Эски дунёнинг тўнтарилиши, янги жамиятнинг мафкуравий ва ижтимоий муаммолари, ёш миллий мактабнинг шаклланиши,

рассомларнинг мураккаб, баъзан эса фожеавий ҳаёт йўллари каби тарихий жараёнлар кўп нарсани белгилаб берди. Кенг тарихий маданий асосда унинг ўзига хослиги шундаки, у санъатдаги икки хил услубни уйғунлашувига, тўқнашувига сабаб бўлди: шарқона анъанавийликка асосланган маҳаллий маданият билан боғлиқ бўлган рус ва европа авангарди моделлари ўзаро алоқага киришди. Ижтимоий ўзгаришлар даври тўлқинида, ривожланишнинг мантиқида дунёга келган, Ғарб ва Нус санъати феномени ҳисобланган авангард Ўрта Осиё маданиятига ҳам сўзсиз олиб келди. XX асрнинг илк ўн йилликларида энди қулоч ёзаётган дастлабки барча “сўл” авангард оқимлари хокимият томонидан ҳақиқий инқилобий, эски феодал ва буржуа санъатига қарши чиқувчилар сифатида қабул қилинар ва қўллаб қувватланар эди”<sup>4</sup>.

XX аср давомида Ўрта Осиёда санъатнинг янги шакллари пайдо бўлиши ва келиб чиқиш тараққиёти ноёб тарихий-маданий ҳодисадир. Бу минтақада кўп асрлардан бери тасвирий ёки фигурали санъатга зид ўлароқ, асосан бадиий ҳунармандчилик ва меъморчилик беазаги мажмуидаги нақшинкор услубдан иборат санъат ривожланган бўлиб, XIX асрнинг охиригача ҳукм сурди. Ўрта асрлик амалий санъатда тасвирий шакллар унсурлари учраб туради, лекин бунинг қоидадан истисно сифатидагина кўриш мумкин. Айни пайтда, тасвирий ва сюжетли, асоси ўта ривожланган Шарқ миниатюра рангтасвирининг юксак

<sup>3</sup> М. Бобоназарова. Ноёб хазина. - Санъат, 2003, 2-сон.

<sup>4</sup> Н.Р.Ахмедова. Живопись Центральной Азии: традиция, самобытность, диалог. – Т., 2004. С-36



даражадаги парвози ислом санъатининг хусусиятига кўра, зид ва бир хил  
қатъий ривожланиши жараёни ўз бўлмаганлигидан далолат беради.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Е.В.Завадская. Восток и Запад. М., - 1970.
2. М. Бобоназарова. Ноёб хазина. - Санъат, 2003, 2-сон.
3. Н.Р.Аҳмедова. Живопись Центральной Азии XX века: Традиция, самобытность, диалог. - Т., 2004. 224 с.